

ПРВМ РУСУМЛИ ТОҚ ҚАТОР ОРАЛАРИ ТУПРОҒИГА ИШЛОВ БЕРАДИГАН ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ


Б.В.Адхамов

Наманган мухандислик-Қурилиш институти, докторанти

Тоқ қатор ораларидаги тупроққа нормал шароитли ҳудудларда 3-4 марта ёки ҳар бир суғоришдан сўнг ер етилиши билан, намгарчилиги юқори бўлган ҳудудларда 5-7 мартагача, лалми ҳудудларда эса ҳар бир ёмғирдан сўнг ишлов берилиши лозим [1,2].

ПРВМ-3 плуг-юмшаткич осиш қурилмаси билан жиҳозланган рама, параллелограмм ва винтсимон механизмлар, агрегат ҳаракат йўналишига нисбатан маълум бурчакка оғган бруслар, таянч ғилдираклар, марказий ва иккита тортқига ўрнатилган универсал иш органларидан ташкил топган бўлиб, ушбу универсал иш органлари ҳар бир технологик жараёнларда турли хил вазифаларни бажарадиган этиб тайёрларган.

1-расмда универсал алмашинувчан иш органларнинг тузилиши, 2-расмда эса бажариладиган ҳар бир технологик жараёнларда иш органларининг рамада жойлашиш схемалари келтирилган.




*а, б, в-мос равишда тупроқни юмшатадиган, шудгорлайдиган ва пушта оладиган
иш органлар*

1-расм. Универсал алмашинувчан иш органларнинг тузилиши

Универсал алмашинувчан иш органлар култивациялаш, тупроқни юмшатиш, шудгорлаш ва пушта олиш каби технологик жараёнларнинг турига қараб турли схемаларда рамага ўрнатилади.

ПРВМ-3 плуг-юмшаткич катор оралари кенглиги 2-3 м бўлган токзорлар учун мўлжалланган.

ПРВМ-4 плуг-юмшаткичнинг таркиби ПРВМ-3 плуг-юмшаткичи ҳамда унга қўшимча равишда ўрнатиладиган узайтиргич, таянч ғилдираклар орасини ўзгартириш имконини берадиган кўндаланг брус ва иш органларни рамада ўрнатиш имконини берадиган параллелограмм механизмлардан ташкил топган. ПРВМ-4 плуг-юмшаткич катор оралари кенглиги 3-4 м бўлган токзорлар учун мўлжалланган.



a, б, в, д – мос равишда култивациялаш ва тупроқ юмшатиш учун, тупроқ палахсасини ўнга ҳамда чапга ағдариш учун, чуқур юмшатиш ва эгат олиш учун иш органларнинг жойлашиши

1, 3-агрегат ҳаракат йўналишига нисбатан маълум бурчакка оғган бруслар;

2-кўндаланг брус; 4, 7-текис кесадиган симметрик панжалар; 5-ток экилган қатор; 6, 8-текис кесадиган асимметрик панжалар; 9, 13-ўннга ағдарадиган корпуслар; 10-икки томонган ағдарадиган корпус; 11, 12-чапга ағдарадиган корпуслар;

2-расм. ПРВМ-3 плуг-юмшаткичнинг иш оргаларини рамага жошлашиш схемалари

Ушбу машина асосан ток қаторлари ораларидаги тупроқни юмшатишда қўлланилади. Унга ток қаторлари ораларидаги тупроқни юмшатиш мобайнида ток туплари ораларидаги тупроқни йўлакчаб ишлов берадиган мосламани ўрнатиб, бу технологик жараёнларни биргаликда бажариш имконияти мавжуд.

Демак, бугунги кунда Республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган, конструктив жиҳатдан содда ва энергия-ресурстежамкор ток қаторлари ораларига ишлов беришда қўлланиладиган машинани ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Джавакянц Ю.М. Технология обработки почвы в горных богарных садах и виноградниках Узбекистана Ташкент: Фан, 2004. – 43 с.

2. Шоумарова М., Абдиллаев Т. Боғдорчилик машиналари. – Тошкент, 2006. – 88 б.